

# **Овоз ёзиш технологияларининг ракамли тизимда фойдаланиш қулайликлари**



- ❖ ЎзДСМИ ҳузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Техноген санъати (турлари бўйича)”
- ❖ в.б Доцент Атабаев З. Ж.

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси мажмуаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391--сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофик ишлаб чиқилган.**

<b>Тузувчи:</b>	ЎзДСМИ, “Театр санъати” факультети, “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси ўқитувчиси З.Ж.Атабаев
<b>Тақризчилар:</b>	И.М.Меликўзиев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудири профессор А.Мирзаев – Ўзбекистон давлат Консерваторияси доценти

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	16
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	23
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	58
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	69
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	73
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91

I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш,

маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- “Техноген санъати (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Техноген санъати (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Модул якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- техноген санъати фанини ўргатишда, замонавий технологияларни қўллашни;
- овоз ёзишда илғор компьютер технологиялар моҳиятини;
- аудиовизуал индустрия ва маркетинг тадқиқотларини;
- овоз режиссёrlиги ихтисослиги бўйича тахсил олаётган талабаларни театр асарларини овозлаштиришда, томошабинларга тўғридан-тўғри овоз етказиш жараёнини;
- овоз режиссёrlиги соҳаси фанларини ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш усулларини **билиши** лозим.

### **Тингловчи:**

- замонавий техника ва акустикаси муносабатлари ҳамда бунда овоз режиссерининг касбий маҳоратини юқори босқичга кўтара олиш;
- арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- театр асарларини намойиш этилган жараёнида дуч келадиган акустик ва техник муаммоларни жойида ҳал этишда замонавий педагогик технологялар ердамида фойдалана билиш қобилиятини шакллантириш;
- техноген санъат фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар ўқув тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда овоз режиссёrlиги соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- компьютердан тез ва унумли фойдаланиш, турли дастурлардаги виртуал микшерларда кириш – чиқиш каналлари ва монитор тизимларидан фойдаланиш;
- овоз ёзиш ва созлаш технологиялари таъминоти тизимидағи бошқа ишлаб чиқарувчиларни жалб қила олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларни қўллаш;
- овоз ва шовқин билан ишлашда замонавий техник таъминотни танлай олиши;
- замонавий рақамли тасвирга олиш камералари ва микрофонларни тасвирга олишга тайёрлаш;
- кўргазма қуролларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- маркетенг тадқиқотларини молиялаштиришнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- овоз студияларини стратегик бошқариш **малакалариға** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- овоз режиссёrlиги соҳаси фанларини ўқитища илфор инновацияларни қўллаш;
- техноген санъатида замонавий инновацион овоз ёзиш технологиясидан фойдаланиш;
- замонавий рақамли тасвирга олиш техникаларини тасвирга олиш майдончаларида қўллаш;
- визуал компонентларининг яратилиш тарихи, тараққиёти, замонавий инновацияларни ўкув дарсларини кетма-кетлиқда тингловчига етказиш;
- кинематографияни молиялаштиришнинг хорижий тажрибасини таълим тизимига қўллаш **компетенциялариға** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчилариға Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Овоз ёзиш технологияларининг рақамли тизимда фойдаланиш қулийликлари”** курси назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Овоз ёзиш технологияларининг рақамли тизимда фойдаланиш қулийликлари”** модули мазмуни ўқув режадаги “Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси”, “Арт менежмент” ва Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорлик ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида маданият ва санъат соҳасида таҳсил олаётган талабаларга дарс ўтиш жараёнларида замонавий услубларни қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

<b>№</b>	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўкув юкламаси, соат</b>			
		<b>Жами</b>	<b>назарий</b>	<b>амалий</b>	<b>кўчма</b>
1.	Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида овозни ёзиб олиш ва қайта ишлаш	2	2		
2.	Замонавий компьютер дастурлардан (DAW) фойдаланиш.	2	2		
3.	«Pro Tools» дастурида тенглаштириш жараёни	2		2	
4.	Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида овозни ёзиб олиш ва қайта ишлаш	2		2	
5.	Замонавий компьютер дастурлардан (DAW) фойдаланиш.	2		2	
6.	«Pro Tools» дастурида тенглаштириш жараёни	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида овозни ёзиб олиш ва қайта ишлаш (2 соат)**

Овоз ёзишда илғор компьютер технологиялар моҳияти. Мусиқани маҳсус техникалар орқали кучайтириш ҳамда мусиқий овозларни (табиий овозларни) синтез тариқасида ҳосил қилиш ва уларнинг таснифи, асосий ҳусусиятлари. Замонавий техника ва акустикаси муносабатлари ҳамда бунда овоз режиссерининг касбий маҳорати.

### **2-мавзу: Замонавий компьютер дастурлардан (DAW) фойдаланиш. (2 соат)**

Овозни компьютер технологиялари ёрдамида ёзиб олиш ва қайта ишлашда жаҳондаги илғор услублари. Компьютернинг овоз режиссёри фаолиятида тутган ўрни, овоз ёзиш студиялари учун компьютер конфигурацияси, мусиқий ёзувлар учун компьютер тўпламлари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъruzадан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси доирасида тузилган мавзулардан иборат бўлади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълимда режалаштирилмаган амалий машғулотлар қўйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

## **1-амалий машғулот: «Pro Tools» дастурида тенглаштириш жараёни. (2 соат)**

Компьютердан тез ва унумли фойдаланиш, турли дастурлардаги виртуал микшерларда кириш – чиқиш каналлари ва монитор тизимларидан фойдаланиш. Компьютерда овоз монтажини, тенглаштириш.

## **2-амалий машғулот: Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида овозни ёзиб олиш ва қайта ишлаш. (2 соат)**

Овоз ёзишда илғор компьютер технологиялар моҳияти. Мусиқани маҳсус техникалар орқали кучайтириш ҳамда мусиқий овозларни (табиий овозларни) синтез тариқасида ҳосил қилиш ва уларнинг таснифи, асосий ҳусусиятлари. Замонавий техника ва акустикаси муносабатлари ҳамда бунда овоз режиссерининг касбий маҳорати қай даражада бўлиши керакли тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

## **3-амалий машғулот: Замонавий компьютер дастурлардан (DAW) фойдаланиш. (4 соат)**

Овозни компьютер технологиялари ёрдамида ёзиб олиш ва қайта ишлашда жаҳондаги илғор услублари. Компьютернинг овоз режиссёри фаолиятида тутган ўрни, овоз ёзиш студиялари учун компьютер конфигурацияси, мусиқий ёзувлар учун компьютер тўпламлари. Бунда тингловчилар овоз ёзиш студиясиги бориб ушбу технологиялар билан яқиндан танишадилар ва бир-бирлари билан фикр алмашадилар.

## **4- амалий машғулот: «Pro Tools» дастурида тенглаштириш жараёни. (4 соат)**

Компьютердан тез ва унумли фойдаланиш, турли дастурлардаги виртуал микшерларда кириш – чиқиш каналлари ва монитор тизимларидан фойдаланиш. Компьютерда овоз монтажини, тенглаштириш бўйича тингловчилар жамоа бўлиб фикр алмашадилар ва фикрлар мазмун-моҳияти юзасидан савол-жавоблар ташкил қилинади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака ошириши ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўникмаларини ривожлантириши лозим:

- олий таълим тўғрисидаги норматив-хукуқий ва директив ҳужжатларни, олий таълим давлат таълим стандарти, классификатор, малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларни қўллаш, шунингдек, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари асосида ташкил этиш, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маърузалар, амалий машғулотлар,

лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ташкиллаштириш;

- талabalар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти; талabalарнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш; иқтидорли талabalарни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Ақлий хужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий хужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий хужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникумаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий хужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурӯҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий хужум – микро гурӯҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гурӯх ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гурӯхга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи колективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий хужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод

дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибida қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмuni</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва грухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари**

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни  
(кичик ва индивидуал гурухларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишилаша қаҳрамоннинг рухий  
ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг.  
(гурухларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

**Кейс.** Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилилармиди?

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- 

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**С**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**М**

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**У**

- фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тарихий ёки майший мавзудаги қўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади: тингловчиларда** тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯхдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб,

ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу: Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида овозни ёзиб олиш ва қайта ишлаш (2-соат)**

**Режа:**

1. Микшер пультларининг программали кўриниши, унинг ишлаш тамойиси "Insert" ва "AUX" каналлари.
2. Виртуал микшерда товуш тракти.

**Таянч иборалар:**

**Динамик диапазон** - бу тушунча орқали радиоэшиттириш товуш баландлиги диапазони тушунилади. Уни мусиқа асари янграганда товуш баландлигини сатҳ кўрсатгичларда ўлчанган максимал ва минимал қийматлари фарқи билан аниқлаш мумкин.

**1.1 Кўндаланг йўналган ёки чапараста микшерлаш** - Бир товуш манбаидан (ёки гурух товуш манбаидан) бошқа товуш манбаига (ёки гурух товуш манбаига) ўтиш мақсадида кетма – кет икки марта микшерлаш. Бу операцияни бажариш вақтида микшернинг иккала бошқаргичи (ёки гурух бошқаргичлари) бир вақтда очиқ бўлиши керак. Радиоэшиттиришда бу жараён кўлда бажарилади; микшерлаш тезлиги радиоэшиттиришнинг бадиийлиги нуқтаи назаридан қўйиладиган талабларга мос ҳолда турлича бўлиши мумкин. **Микрофон**-механик ёки товуш тебранишларни электр кучланишга айлантиручи, босим ёки босим-градиентини сезадиган электроакустик ўзгартиригич - генератор.

**Микшер ёки микшер қурилмаси**- Кучайтиргич – микшер пульти кўринишда микшерлаш жараёни учун мўлжалланган аппаратура. Паст сатҳларни микшерлашда ҳар бир товуш манбаи занжири микшер бошқаргичга дастлабки кучайтиргичсиз бевосита уланади. Паст сатҳли микшерлар нисбатан арzon, аммо профессионаллар улардан жуда кам фойдаланадилар. Товуш манбаи занжиридаги дастлабки кучайтиргичли юқори сатҳли микшерлаш фойдали сигнал ва шовқин сатҳлари нисбатини яхшилаш билан баробар ўзгармас қаршиликли бошқаргич қўллаш имконини беради.

*Ишга тайёр ҳолатдаги студия-микрофонлар* энг қулай жойда ўрнатилган, ишга барчаси тайёр-ёруғлик сигналлари ёқилган.

**Сатҳ-** Микрофон ва микрофонлар яратадиган, кучайтиргич ва микшер бошқаргичлардан ўтадиган электр сигнал сатҳи. Сатҳ одатда децибеллерда ифодаланади ва этalon “нулинчи” сатҳ билан солиштирилади. “ Сатҳни ўрнатиш” ибораси радиоузаткич ёки овоз ёзиш аппаратураси киришига зарур ўлчамдаги сатҳни таъминлаш мақсадида бошқаргичларнинг мослиги ҳолатини текширишни англатади.

**Ёзиши мосламаси** - бу овоз ёзиш студиясида қўлланиладиган мослама бўлиб акустик хонадаги барча товушларни ёзиб олиш учун мўлжалланган мосламадир. Ёзиб олиш мосламига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Компьютерларни қаттиқ дисклари
2. Маҳсус овоз ёзиш учун мўлжалланган қаттиқ дискли мосламалар(“Hard disk”)
3. CD R, Mini disk, кассетали магнитофонлар, (СТМ) кичик ҳажмдаги ҳар хил ташувчи мосламалар (“Flesh,Mp3”).

Бу мосламаларнинг барчаси ўзига хос ҳусусиятга эгалиги билан ажралиб туради буни батафсил кўриб чиқишимиз мумкин.



**1. Компьютер овоз ёзиши мосламаси** - Студиядаги аналог товуш компьютернинг қаттиқ дискга ёзиб олинади. Бунда аналог товуш рақамли

сигналга айлантирилади. Бу жараён овоз хариталари орқали амалга оширилади. *Бу жараёнда қандай вазият юз беради?* Келаётган аналог товуш билганимиздек микрофон орқали электр токига айланади бу сигнал овоз харитасига қирганда максимум мослама орқали (“товуш интерфейси”) рақамли сигналларга яъни 0,1; 0,1; 0,1; рақамга айлантирилади. Бу жараён орқали аналог сигнални компьютер тушунадиган рақамли сигналга айлантирилади. Рақамли ёзувчи мосламалар турли хил бўлгани учун унинг рақамли формати ҳам ҳар-хил бўлади. Шундай қилиб қабул қилиб олинган товуш компьютернинг қаттиқ дискига ёзиб олинади. 1 секундда товушнинг (+) дан (-) гачам ўтган даври 1 Гц деб хисоблайдиган бўлсак рақамли тилда бу ичида 0 ва 1 келса, бу 1 бит деб аталади. Бир секундда қанча Бит кўп бўлса, 8; 16; 24; 32; 48; 96; 192 ва ҳоказо. Аналог сигнал шунча кам бузилади. Масалан: 24 Бит; 48 кГц бузилиши 0 бутун 0000.025 % гат энг Товушни эшитишда мана шу ҳолатни акси юз беради.



### **Микшер пультларининг программали кўриниши, унинг ишлаш тамойиллари "Insert" ва "AUX" каналлари.**

Программалаштирилган пультлар мусиқий компьютер дастурларини таркибий қисмини ташкил этади. Ҳар бир компьютер мусиқа дастури ўзининг алоҳида микшер пультига эга бу микшер пультларини виртуал микшер деб

айтамиз. Яъни кўриниши бор. Виртуал микшер пульти худди аналог микшер пультлари каби тамойиллар асосида ишлайди. Бу ерда ҳам кириш канали Gain, Feyder, Insert, AUX, Master, Monitor ва наушник қисмлари мавжуд. Дастурга товуш овоз харитаси орқали қабул қилинади. Ушбу сигнални биз виртуал микшерда қабул қилиб олиб қайта ишлашимиз мумкин. Виртуал микшер пультлари аналог микшер пультларида постпродакшн ҳолатда ишлаш учун қулаги билан ажралиб туради. Бу микшер пультининг асосий камчилиги жонли ижрода ноқулайлигидир. Яъни бир вақтни ўзида бир неча микшерлар билан ишлаш имконияти йўқ. Унинг кириш имкониятлари овоз харитасининг имкониятига бевосита боғлик (100% боғлик). Виртуал микшер постпродакшн ҳолатида ишлатишга жуда қулай чунки жуда кўп Insert канали мавжуд. Шунга ўхашацо AUX каналлари ҳам кўп. Аналог микшерлар каби виртуал микшерга ҳам инсерт каналидан фойдаланишимиз мумкин. Виртуал микшерда инсерт канали моно канал учун стерео канал режимда ишлаши мумкин. Баъзи профессионал дастурларда эса моно каналга ҳам стерео инсерт ишлатиш мумкин. Бу овоз режиссёрига овозни қайта ишлашда динамик диапазонини акустик частотавий тавсифини (тембрини) ўзига хос равишда қайта ишлашга шу товушга бадиий безак беришга катта имконият яратади.

Tovush eshitilishi sifatini baxolovchi parametrlar orasidagi yozuv kamchiliklarini, makon akustikasini (o'girilayotgan varaqlar shitirlashi, damli cholg'ularning klapanlari taqillashi, mebel g'ichirlashi va xokazo) jamlangan parametri-Aranjirovka

### **Виртуал микшерда AUX каналлари**

Аналог микшерда виртуал микшерда ҳам AUX каналлари мавжуд ва у товушни турли манбаларга жўнатиш учун ҳизмат қиласи. AUXларга сигнал SEND канали орқали жўнатилади. Виртуал микшер бўлгани учун AUX канали бир қанча очилиши мумкин. AUX канали ҳам Pre ва Post режимда ишлай олади.

Bir xil fazali tebranishga ega tovush maydonining ikki nuqtalari orasidagi minimal masofa To'lqin fazasıdir

#### **1.2. Виртуал микшерда товуш тракти**

Қабул қилинаётган сигнал виртуал микшернинг кириш каналига қабул қилинади. Унинг баландлиги Gain мосламаси орқали назорат қилинади. Ундан кейин сигнал дархол Faderга ўтади. Аналог микшердан фарқли равища кираётган сигнализимиз шу каналдан чиқмайди. Сигнал ёзиб олинган каналдан мастерга узатилади. Шунинг учун кўпинча виртуал микшернинг кириш каналидаги инсертдан фойдаланилмайди. Балки ёзиб олинган сигнални қайта ишланади. Ёзиб олинган сигнал биринчи марта ёзиб олинган каналнинг инсерт йўлига мослама ўрнатилгандан кейин қайта ишланади. Бунда келаётган сигнал ўзининг йўлидан ажралиб инсертга ўрнатилган мосламага жўнатилади ва товушнинг барча параметрлари мана шу масламада қайта ишланади. Кўпчилик овоз режиссёrlарининг тажрибаси шуни кўрсатадики, виртуал микшернинг инсерт каналида асосан товушнинг динамик диапазони қайта ишланади. Бу инсерт каналига товушни қайта ишловчи мосламалар: Компрессор, Лимитер, Гейтер, Desser, Экспандер, Максимайзер каби мосламалар орқали амалга оширади. Бундан кейин товуш Эквалайзер орқали акустик частота тавсифи билан ишлов берилади. Ундан кейин товушга бадий ишлов бериш учун AUX каналига турли безак берувчи дастурлар ("ревер", "флангер", "хорус", "делай" ва ҳаказолар) дан фойдаланилади. Яъни қайта ишланган товушга бадий безак қўшилиб мастер каналга узатилади. Xavoda taxminan 340-metr sekund tezlikda xar tamonga tarqaluvchi tovush tebranishlari Tovush bosiminidir.

**Antares auto tune** – овозни автоматик равища ва график тарзда фальшлардан тозалайди ва товушни электрон товушга ўхшатиб бериши мумкин. **Pitch, Gain** плагинлари – овозни баландлигини кўтаради ёки туширади, **Vocalalign As** - икки ёки ундан ортиқ trackларда жойлашган овозларни бир ҳилда, синхрон қиласи, **TC Mater x3** – мастеринг қилишда фойдаланилади, **Renaissance** – эквалайзер, унинг стерео, моно вариантлари хам мавжуд, **Joe meek** - компрессор, бунда хам эквалайзер каби моно, стерео

вариантлари бор **Delay** – овозни иккитадек қилиб беради, **Expander**, **Volume**, **Exciter**, **Autorevers Lexiverb**, **De-Esser** ва хоказолар.

Товуш қайта ишлаш тартиби:

- 1) Динамик диапазон (компрессор)
- 2) АЧХ (EQ)
- 3) Бадий ишлов

### **Компьютер дастурдаги AUX каналлари**

Мусиқали овоз ёзиш дастурларида ҳам AUX каналлари мавжуддир. Аналог микшерларда фарқли рақамли микшерлардаги AUX каналлари кўплиги билан ва ташки мосламага чиқиш имконияти йўқлиги билан ажралиб туради. Баъзи дастурлардаги AUX каналларини ташкил қилиш ва уларни қўлланиши билан танишиб чиқамиз. Tovush to'lqinlari mavjud bo'lgan makon Tovush chastotasi.

### **2-мавзу: Замонавий компьютер дастурлардан (DAW) фойдаланиш. (4 соат).**

#### **Режа:**

- 2.1. Овоз ёзиш дастурларининг келиб чиқиши.
- 2.2. Илгор ривожланган мамлакатларда қайси дастурларда иш олиб борилмоқда.

**Таянч иборалар:** *Динамик диапазон* - бу тушунча орқали радиоэшифтириши товуши баландлиги диапазони тушунилади. Уни мусиқа асари янграганда товуш баландигини сатҳ кўрсатгичларда ўлчанган максимал ва минимал қийматлари фарқи билан аниқлаш мумкин.

#### **2.1 Овоз ёзиш дастурларининг келиб чиқиши.**

Ўтган асрни 70 – 80 йилларидан бошлаб мусиқани ва овоз ёзувларини рақамли тарзда қайта ишлаш ривожлана бошлади. Бунга асосий сабаб ахборат комуникация технологияларини кенг тарзда ривожланди ва тарқалиши бўлди. Ҳозирги кунга келиб турли мусиқий дастурларда овоз ёзиш амалиёти кенг

кўлланиб келмоқда. Масалан булар: Нуэндо, Субасе, Логис, Про Тоолс ва ҳоказо.

Нуэндо дастурининг бўлимлари.

Динамик процессорлар Динамик тавсифлар процессорлари товушнинг амплитудали диапазонини ўзгартириб юборади: бу товушдан олиб ташлаш керак бўлган шовқинлар даражасини пасайтириш-у, паст товушлар баландроқ янграши учун динамик диапазонни сиқишидан бошлаб, товуш баландлигини муайян даражаларга “боғлаш” билан якунланади. Албатта, даража бошқарувидан қўлни олмай туриб, товуш баландлигини мунтазам равишда қўл билан таҳрир қилиш мумкин, аммо динамик процессорлар тавсифи автоматик тарзда ишлашга қодир, муҳими эса улар анча самаралироқ, шунингдек, қўплаб бошқа амалларни қўл билан бажаришнинг иложи йўқ. Динамик процессорларга товушнинг динамик диапазонини ўзгартирадиган ёки бошқарадиган процессорларга айтилади, динамик процессорларга қўйдагиларни киритиш мумкин:  Компрессор  Лимитер  Максимайзер  Экспандер  Дессер 1. Компрессор – товушнинг динамик диапазонини паст ва юқори томондан қисқартирадиган мосламадир, яъни паст бўлган товушлар кўтарилади, баланд бўлган товушлар пасаяди. Компрессорларда асосан 5 та бурагич бўлади (янгиларида қўшимча бор) 1-бурагич Тҳрешолд – бу товушнинг динамик диапазонни ўртача неча дбга яқинлаштириш кераклигини белгилайди. Аналог компрессорларда бу кўрсатгич -20-25 дбгача боради, рақамли компрессорларда бу кўрсатгич анча баланд. 2-бурагич Ратио – бу бурагич трешолдга белгиланган баландликка оригиналга нисбатан неча баробар сиқиши кераклигини белгилаб беради, баъзи компрессорларда унинг номи бошқача бўлиши ҳам мумкин. 3-бурагич Аттаск – бу бурагич компрессор ишининг бошланиш вақтини белгилайди, милли секундларда ўлчанади (мс), агар аттаск 0 милли секундда бўлса компрессор ишлаши дарҳол бошланади, милли секундни кўпайтирганимиз сари компрессор кечикиб ишлашни бошлайди. 4-бурагич Реалисе – бу бурагич компрессор иш вақтининг охирига жавоб беради, милли секундда ўлчанади, қанча кам бўлса компрессор шунча эрта тугайди, милли секунд кўпайгани сари компрессор иш вақти ҳам узаяди . 5-бурагич Гайн (левел, маск уп, трим) – бу бурагич компрессордаги охирги бурагич бўлиб трешолд орқали белгиланган динамик диапазонни асосий 0 га яқинлаштириш учун хизмат қиласи. Замонавий компрессорларда бошқа бурагичлар ҳам ишлайди, уларнинг хусусиятларини ишлатиб билиб олиш лозим. Компресор ишлатишнинг баъзи товушлар учун параметрлари : 1) овоз учун : а) қўшиқ айтилаётган бўлса, шўх қўшиқлар учун аттаск 5-10 мс реалисе 80-100 мс, трешолд -10-15 дб, ратио -1 га x 1.5 дан 3.0 гача боради, секин қўшиқ учун аттаск 0 мс, реалисе 80-100 мс, трешолд -10-15 дб, ратио 1 га x 1.5

дан 2.5 гача; б) Нутқий товушлар учун : трешолд -10-15 дб, ратио 1 га х 1.8 дан 2.8 гача атаск -8-10 мс, реалисе 50-60 мс; в) Камонли чолғулар учун: трешолд -10-15 дб, ратио 1 га х 2.5 дан 3.0 гача атаск 0 мс дан -10 мсгача, реалисе 50-100 мс; г) Торли чолғулар учун трешолд -15-20 дб, ратио 1 га х 2.5 дан 3.5 гача атаск 0 мс, реалисе 80-100 мс;

д) Дамли чолғулар учун: трешолд -15-20 дб, ратио 1 га х 3.0 атрофида атаск 0 мс дан 20 мс гача, реалисе 80-100 мс; э) Зарбли чолғулар учун: трешолд -20 дб, ратио 1 га х 3.0 - 4.0 атрофида атаск 0 мс, реалисе 20 – 30 мс (буларнинг барчаси нисбий тушунчада). Сигнални равон текисловчи аҳамиятсиз компрессия кенг динамик диапазонни қисқартиради ва товушни бирмунча тўйинган, равон кўринишга олиб келади, ҳаддан зиёд компрессия эса уни ишончлилик ва табиийликдан маҳрум этади. Ҳар қандай қулай вазиятда компрессиядан фойдаланиш – бу унчалик яхши ғоя эмас. Кенг динамик диапазон – бу биз мусиқа тинглаётиб, ҳайрат ҳис қилишимизга сабаб бўладиган ўша муҳим хусусиятлардан биридир<sup>16</sup>. 2. Лимитер – бу процессор товуш динамик диапазонининг бизга керакли нуқтадан ошмаслигига хизмат қилади, асосан 2 та бурагич билан жиҳозланган биринчиси трешолд, иккинчиси гайн, трешолд бизга керакли бўлган энг баланд ёки максимал баландликни белгилайди, гайн – асосий 0га яқинлаштиради. 3. Экспандер – компрессорнинг тескари фаолиятини бажаради, яъни динамик диапазонни кенгайтиради. Замонавий процессорларда (асосан виртуал) трешолдни 0 дбдан юқори кўтариш ҳисобига экспандер ишлайди. Бир қатор вазиятларда биз шундай деймиз: “Овозини кўтаришим керак”, аслида эса уни контрастроқ қилиш керак, ва бу вазиятда ҳам товушни бўрттириш учун оригинал устани тайёрлаш босқичида энг қўл келувчи асбоблар экспандерлар бўлиб қолади<sup>17</sup>. 4. Дессер – анти С га қарши деган маънони билдириб, юқори частотадаги товушларни камайтириб бериш учун хизмат қилади, унинг 2 та функцияси бор: биринчиси трешолд, иккинчиси частота танлаш, аввал частота танланади кейин трешолд орқали қанча пасайтириш кераклиги белгиланади. Бу процессор фақат нутқий товушлар ва қўшиқчилар овози учун ишлатилади.

5. Максимайзер – бу процессор ўз ичига бир нечта процессорлар билан бирга ишлашни ўз ичига олади. Унинг ичида компрессия, лимитер ва гейтрлар бир вақтда ишлайди, асосан товушнинг синусоидал қувватини ошириш учун (PMC) хизмат қилади. 2.7. Crossover Crossover – бу мослама 1 та келган сигнални 2 ва ундан ортиқ қисмга (частотавий диапазонга) бўлиб, овоз кучайтиргичга юқори частоталар учун алоҳида, ўрта частоталар учун алоҳида ва паст частоталар учун алоҳида сигнал етказиб берувчи мосламадир, унинг энг соддаси 2 полосали, мураккаби 4 полосали бўлади.

Актив ва пассив мониторлар Актив мониторлар – ўзида овоз кучайтиргич бўлими бўлган мониторлар актив мониторлар саналади. Актив мониторлар микрофон ва линиявий кириш оддий параметрик эквалайзер кириш сигналини бошқарувчи бурагич айрим ҳолларда овозга бадиий безак берувчи ревербератор билан ҳам жиҳозланган бўлади. Овоз кучайтиргични ишлатиш учун 220 В ток уланадиган жой кейинги овоз кучайтиргич мосламасига жўнатиш учун қўшимча чиқиши ҳам мавжуд бўлади. Бундай мониторлар асосан овоз ёзиш студиялари, аппарат хоналари ва концерт залларида монитор сифатида ишлатилиш учун мўлжалланган. Уларнинг ҳажми ва қуввати турлича бўлади.

Пассив мониторлар – ўзида ҳеч қандай овоз кучайтириш учун мослама ва линиявий микрофон киришлар бўлмаган колонкалар саналади, асосан қисқа диапазонли 1 та частотали ва кенг диапазонли кўп частотали бўлади. Қисқа частотали мониторлар асосан бир диапазондаги товушларни эшиттиришга мўлжалланган, бундай мониторларнинг бир нечтаси бирлаштирилиб катта акустик тизимларда ишлатилади. Кенг диапазонли мониторда 1 та колонкада 2 та ёки 3 та баъзан 4 тадан динамик бўлади. Бу динамикларнинг ҳар бири алоҳида частотавий диапазон учун хизмат қилиши мўлжалланган, колонкага келган сигнал махсус фильтр қурилмалари орқали ҳар битта динамика алоҳида узатилади, натижада биз 2 полосали, 3 ёки 4 полосали товуш эшитамиз. Бундай мониторлар асосан кичикроқ жойларда ишлатилади, катта акустик тизимларда эса бироз бошқачароқ тракт қўлланилади, яъни микшер пультининг мастеридан чиқсан сигнал кроссоверга уланади, ундан бир неча полосага бўлинниб, алоҳида овоз кучайтиргичлар орқали колонкаларга узатилади.

### **Нуэндо дастури**

Нуэндо – бу мусиқачилар, овоз ёзувчи мухандислар, пост-продакшнмухаррирлар ва овоз режиссрлари учун асбоблар тўпламидир. Бу асбоблар тўпламида сиз овоз ёзиш, таҳрир қилиш, микшерлаш ва аудио ҳамда МИДИахборотларни нашр қилиш учун асбоблар, шунингдек, МИДИни босма ноталарга ўзгартирувчи асбобларни ҳам топасиз.

1984-йилда Сteinберг ўзининг биринчи МИДИ-секвенсорини яратдиги, у 1989 йилда худди Субасе каби машхур бўлди. Бу асбоб мусиқачиларга ўз чиқишлигини МИДИ-секвенсорда ёзиш учун қўмак сифатида ишлаб чиқилган. Steinberg - МИДИ билан бир қаторда, рақамли товушни ҳам ёзив

олиши мумкин бўлган, у интеграцияланган тизимни ишлаб чиқсан илк компаниялардан биридир<sup>1</sup>.

Нуэндо дастури видео овоз ва миди сигналларни ёзишга мўлжалланган дастурдир. Сteinberg фирмаси маҳсулоти. Ҳозирги қунда ушбу дастурнинг турли ҳил версиялари мавжуд. Нуэндо дастури кўп каналли овоз ёзиш дастуридир (Мультитраск). Унда аудио билан бир пайтда миди ва видео маълумотни ҳам ишласа бўлади.

### **Нуэндо дастурининг бўлимлари.**

1. **Файл** – бу бўлимда дастурлар тузулиши очилиши, ёпилиши, бажарилган ишларнинг сақланиш турлари, файллар импорт ва экспорт (чақириш ва жўнатиш).

Нуэндо дастурининг созлаш тизими, унда аввал ишланган проектларни чақириш ва дастурни тугатиш тизимлари мавжуд.

**1-бўлим.** Янги проект очиш учун (иш бошлаш) “New прожест” бўлимига кирилади. Уларда эмптий (бўш) бўлими танланиб, Ok тутмаси босилади. Кейинги бўлимда проект сақлаш жойи белгиланади, проект номланади янги файл очилади Филе – new прожест – эмптий – ok – сақлаш жойи – кейинги бўлимда проект сақлаш жойи белгиланади, проект номланади , янги файл очилади – среате – наме – ok дастур очишда тизимга тегишли бўлмаган сақлаш

---

<sup>1</sup> Ashley (Ashley Shepherd) Shepherd, Robert Guerin Cengage. Unendow Power! /Country Kentucky, United States. Learning, Inc. 2004. 1-bet.

жойи (ХДД - Ҳард диск драйв) га очилади, чунки компьютер тизими ўзгаририлса, барча проектлар йўқолиши мумкин.


a) New либрай – Бу эрда ўзимиз ишлашимиз учун турли хил сампле товушлар, ВСТ синтезаторлар ва барча проектларимиз сақланадиган кутубхона (либрай) тузилади, сақлаш йўли, янги проект очилгандек бўлади.

b) Опен – аввал ишланган проектларни очиб беради. Тез очиш йўли (клавиатурадан чақириш СТРЛ+О) орқали бажарилади.

c) Опен либрай – бу аввал тузилган “кутубхона”, ундаги проект ва файлларни очиш.




Rasm 3.2.1 Nuendo dasturi , “New project” bo‘ limi



Rasm 3.2. 2 Nuen do dasturi , Pro yekt saqlash joyi


d) Слосе – бу ишлаб турган проектни ёпиш (Стрл+ W).



### Расм 3.2.3 Нуэндо дастури, Филе бўлими

**2 – бўлим.** Унда бажарилган ишлар сақланади. Қилинган ишларни қандай йўл билан сақлаш танланади.

